



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Инъомжон Озодович Мадаминов

Тошкент гуманитар фанлар университети

ўқитувчиси, PhD

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8176497>

ARTICLE INFO

Received: 14th July 2023

Accepted: 23th July 2023

Online: 24th July 2023

KEY WORDS

Рақамли иқтисодиёт, инвестиция сиёсати, хорижий инвестициялар, инфляция, макроиқтисодий барқарорлик, инвестиция муҳити, ялпи ички маҳсулот, инновация, молия бозори, тадбиркор, молиявий сиёсат, реинвестиция, корхоналар, дивидент.

ABSTRACT

Мақола иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш йўллари бағишланган. Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришдаги аҳамияти, вазифалари ва долзабрилиги муҳокама қилинган. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсатини самарали олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Кириш

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар.

Шунингдек, инвестиция – мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Бошқача айтганда, инвестиция – бу иқтисодиётнинг драйвери ёки бўлмаса иқтисодиётнинг юраги. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни кўпайтириш, хилма-хиллигини кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш, инвесторларни мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ва потенциали ҳақида тўлиқроқ ахборот-маълумот бериш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш асосий вазифа ҳисобланади. Шундай экан, иқтисодиётнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳоннинг барча мамлакатлари, иқтисодий ривожланиши даражасидан қатъий назар миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишдан манфаатдор бўлади. Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестицияларга



ҳам бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий қайта қурилишини амалга ошириш фаол инвестиция сиёсати билан узвий боғлиқ.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига кириб келаётган инвестициялар ҳажми бу ерда яратилган инвестицион муҳитга бевосита боғлиқ. Инвестиция муҳити кўп жиҳатдан давлатнинг хорижий инвестициялар борасида олиб бораётган сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш хусусиятлари, валюта, молия ва кредит тизимининг ривожланиш даражаси каби омиллар билан белгиланади. Мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб этиш ва жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотларни чиқаришни таъминловчи хорижий инвестициялар учун “очиқ эшик”лар сиёсати олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон қонуни[1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4135-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ташкил этилганлиги[2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сон қарори[3] қабул қилинганлиги бунинг яққол мисоли бўла олади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, 2023 йида – кенг кўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди. Бундай катта натижалар илгари бўлмаган. Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз. Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик[4].

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Жаҳоннинг етакчи иқтисодчи олимлари томонидан инвестициялар, инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш борасида турлича фикрлар юритилиб келинади. Масалан, буюк инглиз иқтисодчиси Дж.М.Кейнс ўзининг машҳур “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” китобида самарали талабни вужудга келтиришда инвестициялар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган. Инвестицияларни пул-кредит ёки бюджет сиёсати орқали кўпайтириш мумкинлигини белгилаб ўтган. Олимларнинг фикрича, давлат томонидан фоиз ставкасини ўзгартириб хориждан келаётган инвестицион оқимларни бошқариш мумкин: фоиз ставкаси пасайтирилса, ташқи қарзлар ҳажми ошиб боради, фоиз ставкаси оширилса камаяди. Кейнс



концепциясининг характерли белгиси шундаки, товар экспансиясини ошириш, нархга таъсир кўрсатиш ва мамлакат тўлов балансини барқарорлаштириш мақсадида миллий валюта курсини пасайтириш зарур. Кейнснинг фикрича, давлатнинг ташқи қарзи мутассади ташкилот томонидан миллий иқтисодиётдаги макроиқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш орқали назорат қилиниши зарур. Кейнс назарияси ҳозирги замоннинг кўпгина назарияларига асос бўлиб хизмат қилди. Хусусан, капитал ҳаракатини портфель инвестициялар шаклида амалга оширилишини назарда тутувчи портфель баланси концепцияси Кейнс назариясидан келиб чиққандир[5]. Бизнингча, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш борасидаги олиб борилаётган ислохотларни янада тўлиқ англаш, тушуниш, ўрганиш ва чуқурроқ таҳлил қилиш лозим.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологияси сифатида инвестиция фаолиятига оид иқтисодий қонунлар, иқтисодчи олимларнинг қарашлари, иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар таҳлилидан фойдаланилган. Шунингдек, ушбу жараёнда кузатиш, таққослаш, назарий ва амалий ўрганиш ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган. Таҳлил қилинган маълумотлар ва инвестициялар билан боғлиқ кўрсаткичлар расмий манбалардан олинган.

Таҳлил ва натижалар


Сўнги йилларда мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани, тадбиркор ва инвесторларга ҳар тарафлама амалий кўмак бериш бўйича таъсирчан механизмлар жорий қилиниб, изчил амалга оширилиб келаётгани сир эмас.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида 2023 йилга юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинди. Келгусида эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратаиш вазифаси белгилаб олинди. 2022 йилда мамлакатимизда илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани. Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди. 2023 йилда эса илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади. Бунда олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак.

1-диаграмма

Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар¹ (минг. сўм)

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган



Сир эмас сўнги йилларда мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш борасида сезиларни иқтисодий ишлар амалга оширилди. Юқоридаги 1-диаграмма маълумотларидан аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар миқдори ошиб бораётганини кўриш мумкин. Масалан бу кўрсаткич, 2017 йилда 2227,8 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2018-3769,6; 2019-5834,6; 2020-6140,3; 2021-6861,0; 2022-7468,6 ни ташкил қилган. Натижада сўнги йилларда республикамизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам сезиларли даражада ўсиш кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги ҳисоботлари ва маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, 2017 йилда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар Андижон вилоятида 7,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 48,4 фоизни ташкил қилган. Мос равишда Самарқанд – 2017 йилда 2,8 дан 2022 йилда 52,7 га, Фарғона – 5,8 дан 44,8 га ва Хоразм – 6,8 дан 32,3 га ўсиш тенденцияси кузатилди.

Юқоридагилар қаторида республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2022 йилда иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашни муқобил инструментларини жорий этиш ҳамда хусусий инвестицияларни иқтисодиётдаги



ролини ошириш орқали босқичма-босқич давлатнинг иқтисодий молиялаштириш юкламасини пасайтириб боришга қаратилган инвестиция сиёсати юритилди.

Хусусан, иқтисодийга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 269,9 трлн сўмлик инвестициялар йўналтирилди. 2022 йилда жами инвестициялар ҳажмида таркибий ўзгаришлар кузатилган бўлиб, марказлашмаган инвестициялар улуши 2021 йилдаги 80,8 фоиздан 84,6 фоизгача ошди. Марказлашмаган инвестицияларнинг ўсиши асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган инвестицияларнинг 2021 йилга нисбатан 10,6 фоизга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 10,7 фоизга ўсганлиги билан изоҳланади.

Марказлашган инвестициялар ҳажми 41,4 трлн сўм доирасида шаклланиб, 2021 йилга нисбатан реал ҳисобда 19,6 фоизга қисқарди.

1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариши², млрд сўмда

Молиялаштириш манбалари	2021 йил	2022 йил	Ўзгариши, фоизда	
			2021 йил	2022 йил
Жами инвестициялар	239 553	269 858	14,0	12,7
Марказлашган инвестициялар	46 100	41 436	9,8	-10,1
Бюджет маблағлари	22 172	20 910	54,9	-5,7
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	3 006	2 471	19,5	-17,8
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар	18 129	15 182	-21,9	-16,3
Марказлашмаган инвестициялар	193 452	228 421	15,0	18,1
Корхоналарнинг ўз маблағлари	68 360	84 516	2,3	23,6
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	83 243	97 038	25,1	16,6
<i>шу жумладан,</i>				
<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>	<i>29911</i>	<i>37 006</i>	<i>0,8</i>	<i>23,7</i>
Аҳоли маблағлари	22 705	25 738	20,3	13,4
Тижорат банклари кредитлари	19 145	21 129	20,2	10,4

Мазкур қисқариш халқаро молия бозорида ресурслар нархларининг қимматлашганлиги, ташқи қарз жалб қилиш шартларининг Ўзбекистон талабларига

²Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



нисбатан қатъийлашганлиги ҳамда бюджет маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ҳажмининг чегараланганлиги билан боғлиқ.

2020-2022 йилларда амалга оширилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида 2015-2019 йиллардагига нисбатан географик концентрациялашувининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ҳисобкитобларига кўра, Хитой томонидан йўналтирилган инвестициялар ҳажми АҚШга (-22,1 фоиз), ривожланган Европа мамлакатларига (-17,8 фоиз), ривожланаётган Европа мамлакатларига (-31,3 фоиз) ҳамда Осиё давлатларига (-44,3 фоиз) сезиларли қисқарган. Шунингдек, ривожланган Европа мамлакатлари Осиё давлатларига (-9,8 фоиз), Хитойга (-19,7 фоиз) ҳамда ривожланаётган Европа мамлакатларига (-0,9 фоиз) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини қисқартириб, уларни АҚШга (7,5 фоиз) ва Европа Иттифоқи мамлакатларига (9,3 фоиз) йўналтирмоқда. Бу эса, ривожланаётган мамлакатлар ўртасида хорижий инвестицияларни жалб этишда рақобатнинг кучайишига олиб келиб, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шарти сифатида анъанавий инвестицион ва бизнес муҳитини яхшилаш билан бирга, замонавий янги бизнес йўналишларини (ахборот технологиялари, молиявий ва логистик хизматлар, экотуризм) такомиллаштиришни тақозо этади.

Россияда ялпи талаб таркибининг ўзгариши, шу жумладан 2023 йилда истеъмол талабининг тикланиши якуний истеъмол харажатларининг 0,5–2,5 фоиз атрофида шаклланиши, шунингдек, давлат инвестицияларининг ортиб бориши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиб, ЯИМнинг ўсиш суръатлари -1–1 фоиз оралиғида шаклланиши Россия банки томонидан прогноз қилинмоқда.

Хитойда 2023 йилда карантин чекловлари тўлиқ бекор қилиниши ҳамда фискал ва монетар шарт-шароитларининг юмшатилиши истеъмол талабига ижобий таъсир кўрсатиб, мамлакат иқтисодиётининг пандемиядан аввалги тенденциялар доирасида шаклланиши кутилаётган бўлиб, ХВЖ томонидан Хитой иқтисодиёти 2023 йилда 5,2 фоизга, 2024 йилда эса 4,5 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Туркияда юз берган табиий офатлар қисқа муддатларда иқтисодий фаолликнинг секинлашишига олиб келса, ўрта муддатда қайта тиклаш жараёнларига инвестицияларнинг йўналтирилиши мамлакат иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. ХВЖнинг янгиланган прогнозларига кўра, Туркияда ЯИМ ўсиши 2023-2024 йилларда мос равишда 2,7 ва 3,6 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

Қозоғистонда 2023 йилда қурилиш соҳаси 7,5 фоизга, минтақада муқобил логистика занжирларининг пайдо бўлиши ҳисобига транспорт ва сақлаш хизматларининг 5,7 фоизга, миграция оқимининг ортиши натижасида чакана ва улгуржи савдо ҳажмларининг 4 фоизга ҳамда 2023 йил якуни бўйича иқтисодиёт 4,3 фоизга ўсиши кутилмоқда.

2023 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётларида бир томондан глобал инфляцион босим, бошқа томондан ички талабнинг камайиши ҳамда хомашё нархларининг тебранишлари таъсирида иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши прогноз қилинмоқда[6].



Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида асосий қадам хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар орқали тўлиқ ва самарали институционал асосни шакллантириш лозим. Негаки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг юқори технологияли ва инсон капиталига фаол йўналтирилмаслиги мамлакатда юқори даражадаги инклюзив ўсишга эришиш ва камбағаллик даражасини қисқартириш каби мақсадларга эришиш жараёнини хавф остига қўймоқда.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши аксарият ҳолатларда миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишга қаратилиши муқаррардир. Мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда қатор ижобий ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ушбу йўналишда баъзи камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, қулай инвестиция муҳитининг йўқлиги, жалб қилинаётган инвестицияларнинг хилма-хил эмаслиги, хусусий мулк ҳуқуқларини тартибга солиш ва ҳимоя қилиш соҳасининг номукамаллиги, инвестиция тенденцияларининг пасайиши кабилар.

Бизнингча, камчиликларни бартараф этишда қуйидагилар инобатга олиниши мақсадга мувофиқ:

- ✓ очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;
- ✓ хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;
- ✓ иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни кўпроқ тайёрлаш.
- ✓ фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш. Бунда жаҳоннинг етакчи халқаро инвестиция банклари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мамлакатимиз инвестицион салоҳиятини тўлиқ намоён этиш чораларини кўриш;
- ✓ инфляция суръатларини жиловлаган ҳолда макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш;
- ✓ банк ва молия тизими соҳасига замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш;

иқтисодиётдаги маҳаллийлаштириш дастурини янада тезлаштирган ҳолда маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш кабилар.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон қонуни.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4135-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси, 20.12.2022, www.press-service.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.
5. Гурцкой Д.А. Влияние инвестиций на рост отечественной экономики. // Альманах современной науки и образования. Тамбов: Грамота, 2014. № 3. С. 61-63.
6. Алешин Л. Н. Анализ воздействия объемов инвестиций в основной капитал на динамику денежной массы и экономического роста России // Научные труды Вольного экономического общества России. 2012. Т. 161. С. 284-301.
7. Кейнс Дж.М. “Общая теория занятости, процента и денег”, ISBN: 978-5-85438-192-5, издательство “Гелиос АРВ”, 2011. - 352 стр.
8. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлигининг расмий сайти (<https://stat.uz/>) маълумотлари.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти (<https://cb.uz/>) маълумотлари.